



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

МИКРОМОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ШАРҲИ

2025 йил I ярим йиллик
якуни бўйича

Микромолия хизматлари бозори шарҳи Ўзбекистон Республикасида микромолия хизматларининг жорий ҳолати, ривожланиш тенденцияси, микромолия бозори хизматларининг ижтимоий таъсирини таҳлил этади.

I. Микромолия хизматлари бозорининг жорий ҳолати

Кредит ташкилотлари томонидан 2025 йилнинг I ярим йиллигида жами **66,9 трлн сўм** миқдорда микромолия хизматлари кўрсатилган бўлиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **32,1 трлн сўмга** ёки **1,9 баробарга** ошган.

Бунда, кўрсатилган микромолия хизматларининг **80 фоизи** (53,6 трлн сўм) тижорат банклари, **18 фоизи** (12,0 трлн сўм) микромолия ташкилотлари ва **2 фоизи** (1,3 трлн сўм) ломбардлар ҳиссасига тўғри келган.

Микромолия хизматларининг **1,9 баробарга** ошиши ушбу хизматларнинг тижорат банкларида **1,9 баробарга**, микромолия ташкилотларида **2,2 баробарга** ва ломбардларда **31 фоизга** ошиши ҳисобига юзага келган.

2025 йилнинг I ярим йиллигида кўрсатилган жами микромолия хизматларининг **61,1 трлн сўми (91%)** 100 млн сўмгача, **5,8 трлн сўми (9%)** 100 млн сўмдан 300 млн сўмгача бўлган микромолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.

Натижада, кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг жами кредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлардаги улуши 2025 йил I ярим йилликда 2024 йилнинг мос давридаги **26 фоиздан 34 фоизгача** ошди.

1-чизма


Бозор иштирокчилари кесимида микромолия бозори ҳажми динамикаси



Микромолия бозори иштирокчилари кесимида банклар томонидан 2025 йилнинг I ярим йиллигида кўрсатилган жами микромолия хизматларининг **37,7 трлн сўми (70 фоизи) хусусий банклар** ва **15,9 трлн сўми (30 фоизи) давлат улуши мавжуд банклар** ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда, микромолия хизматларининг ўсиши хусусий банкларда **2,2 баробар**, давлат банкларида **46 фоизни** ташкил этган.


2-чизма

Тижорат банклари кесимида кўрсатилган микромолия хизматлари




Энг юқори ўсиш суръати давлат улуши мавжуд банкларда Микрокредитбанкда **2,6 баробар** (шундан, микроқарзлар 4,4 баробар), Агробанкда **2,4 баробар** (шундан, микроқарзлар 5,5 баробар), Алоқабанкда **2,2 баробар** (шундан, микроқарзлар 3,6 баробар) бўлса, хусусий банклардан ТБС банкда **3,2 баробар** (шундан, микроқарзлар 3 баробар), Инвест финанс банкда **3,1 баробар** (шундан, кредит карталар 3,3 баробар) ва Анорбанкда **75 фоиз** (шундан, микроқарзлар 73 фоиз) ўсиш кузатилган.

Тижорат банклари томонидан кўрсатилган микромолия хизматлари



Микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг **72 фоизи** ёки **8,7 трлн сўми** учта микромолия ташкилотлари, жумладан, “Тезкойн” (5,6 трлн сўм ёки 47 фоизи), “Шаффоф молия” (2,3 трлн сўм ёки 20 фоизи) ва “Фортуна Бизнес” (641 млрд сўм ёки 5 фоизи) томонидан кўрсатилган.

Микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган микромолия хизматлари





Ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг **18 фоизи** ёки **236 млрд сўми** учта ломбардлар, жумладан, “Олтин” (120 млрд сўм ёки 9 фоизи), “Шокир инвест” (59 млрд сўм ёки 5 фоизи) ҳамда “Максимум” ломбард (57 млрд сўм ёки 4 фоизи) ҳиссасига тўғри келади.

4-чизма

Ломбардлар томонидан кўрсатилган микромоллия хизматлари, млрд сўм

2024 йил I ярим йиллик давомида

2025 йил I ярим йиллик давомида



■ Олтин ■ Шокир инвест ■ Максимум ■ Бошқалар (87 та) ■ Олтин ■ Шокир инвест ■ Максимум ■ Бошқалар (89 та)

Маҳсулотлар кесимида жами микромоллия хизматларининг **49,8 трлн сўми** ёки **74 фоизи** микроқарзлар, **5,5 трлн сўми** ёки **8 фоизи** микрокредитлар, **11,6 трлн сўми** ёки **18 фоизи** бошқа микромоллиявий хизматлар (жисмоний шахсларнинг бизнес мақсадлари учун ажратилган микрокредитлар, кредит карталар, овердрафт ва истеъмол кредитлари) ҳиссасига тўғри келиб, 2024 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан мос равишда **2,2 баробарга** (27 трлн сўм), **3 фоизга** (157 млрд сўм) ва **1,8 баробарга** (5,0 трлн сўм) ошган.

Бунда, микроқарзларнинг иштирокчилар томонидан кўрсатилган микромоллия хизматларидаги улуши қуйидагича:

- тижорат банкларида **75 фоиз** (40,2 трлн сўм);
- микромоллия ташкилотларида **69 фоиз** (8,3 трлн сўм);
- ломбардларда **100 фоиз** (1,3 трлн сўм).

Микроқарзлар миқдори давлат банкларида 1,7 баробарга (4,1 трлн сўм), хусусий банкларда 2,3 баробарга (17,3 трлн сўм) ортган. Хусусан, Агробанкда **5,5 баробар** (2 трлн сўм), Бизнесни ривожлантириш банкида **5,3 баробар** (804 млрд сўм), Микрокредитбанкда **4,4 баробарга** (941 млрд сўм) ошган бўлса, хусусий банклардан Даврбанкда 8,8 баробар (440 млрд сўм), Тенге банкда **4 баробар** (235 млрд сўм) ва ТБС банкда **3 баробар** (14,3 трлн сўм) ўсган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларда микроқарзлар 5,6 трлн сўмга ёки 2,4 баробарга ўсган.


Микрокредитлар тижорат банклари томонидан кўрсатилган микромолия хизматларининг **10 фоизини** (5,1 трлн сўм), микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган микромолия хизматларининг **3 фоизини** (417 млрд сўм) ташкил этган. Бунда, энг юқори ўсиш давлат банклари орасида Ўзмиллийбанкда **3,6 баробар** (274 млрд сўм), Алоқа банкда **2,6 баробар** (123 млрд сўм) кузатилган бўлса, хусусий банклар орасида Трастбанкда **8,8 баробар** (281 млрд сўм), Даврбанкда **2,5 баробар** (90 млрд сўм) ва Ҳамкорбанкда **61 фоизга** (230 млрд сўм) ошган.

Микромолия ташкилотларида микрокредитлар 289 млрд сўмга ёки 3,3 баробарга ўсган.

Бошқа микромолиявий хизматларнинг иштирокчилар томонидан кўрсатилган жами микромолия хизматларидаги улуши тижорат банкларида **15 фоизни** (8,3 трлн сўм), микромолия ташкилотларида **27 фоизини** (3,3 трлн сўм) ташкил этади.

Бунда, жисмоний шахсларнинг бизнес мақсадлари учун ажратилган **микрокредитлар** 9 фоизни (6,1 трлн сўм), **кредит карталар** 7 фоизни (4,9 трлн сўм), **овердрафт** 0,7 фоизни (495 млрд сўм) ва **истеъмол кредитлари** 0,2 фоизни (112 млрд сўм) ташкил этади.


Маҳсулотлар кесимида иштирокчилар томонидан кўрсатилган микромолия хизматлари улуши



Бошқа микромолиявий маҳсулотлар ҳажми давлат банкларида орасида 1,6 баробарга (1,1 трлн сўм), хусусий банкларда 2,1 баробарга (2,9 трлн сўм) ортди. Хусусан, **Халқ банкида 6,3 баробар (620 млрд сўм), Агробанкда 2,8 баробарга (764 млрд сўм) ва Туронбанкда 2,5 баробарга (127 млрд сўм) ўсган бўлса, хусусий банклар орасида Ипак йўли банкда 8,5 баробар (211 млрд сўм), Капиталбанкда 4,9 баробар (751 млрд сўм), АВО банкда 4,6 баробар (738 млрд сўм) ва Инвест финанс банкда 3,2 баробар (870 млрд сўм) ўсган.**


Микромолия бозори ҳажмининг маҳсулотлар кесимида ўзгариш динамикаси

Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроқарзлар динамикаси




Микроқарзлар
Жами микромолиявий хизматларда микроқарзларнинг улуши

Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микрокредитлар динамикаси



Микрокредитлар
Жами микромолиявий хизматларда микрокредитларнинг улуши

Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган бошқа микромолия хизматлари динамикаси



Бошқа микромолия хизматлари
Жами микромолиявий хизматларда бошқа микромолиявий хизматларнинг улуши

Мижозлар кесимида 2025 йилнинг I ярим йиллигида кўрсатилган жами микромолия хизматларининг **61,3 трлн сўми** ёки **92 фоизи жисмоний шахслар** ҳиссасига тўғри келиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **32 трлн сўмга** ёки **2,1 баробарга** ошган.

Шундан, ўзини-ўзи банд қилган шахсларга жами 18,6 трлн сўмлик ёки жами микромолия хизматларининг 28 фоизи кўрсатилган бўлиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 12,3 трлн сўм ёки 3 баробарга ошган.

Ўзини-ўзи банд қилган шахсларга 2025 йилнинг I ярим йиллигида тижорат банклари томонидан 15,3 трлн сўмлик ва микромолия ташкилотлари томонидан 3,3 трлн сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилган.

Якка тартибдаги тадбиркорларга жами **2 трлн сўмлик** ёки жами кўрсатилган микромолия хизматларининг **3 фоизи** тўғри келиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **977 млрд сўмга** ёки **33 фоизга** камайган.

Юридик шахсларга кўрсатилган жами микромолия хизматлар **3,6 трлн сўмни** (жамидан **5,4 фоиз**) ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **1,1 трлн сўмга** ёки **46 фоизга** ошган.

2025 йилнинг I ярим йиллиги ва ўтган йилнинг мос даврида кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг таркибида жисмоний шахслар (*ўзини ўзи банд қилганлар чегирилган ҳолда*) ва ўзини ўзи банд қилган шахслар ўртасида **миграция** юзага келган бўлиб, **жисмоний шахслар улуши** 66 фоиздан **64 фоизга** пасайган ҳолда **ўзини-ўзи банд қилган шахслар улуши** 18 фоиздан **28 фоизга** етган.


Соҳалар кесимида микромолия хизматларнинг 61 фоизи **саноат** (3,5 трлн сўм), 19 фоизи **савдо ва умумий хизматлар** (1,1 трлн сўм), 8 фоизи **қишлоқ хўжалиги** (439 млрд сўм), 0,2 фоизи **қурилиш** (13 млрд сўм) ва 12 фоизи **бошқа соҳалар** (707 млрд сўм) ҳисобига шаклланди.

Саноат таркибида айланма маблағни тўлдириш улуши 82 фоиз, асбоб ускуна сотиб олиш улуши 13 фоизни, ишлаб чиқариш улуши 3 фоизни ва тикувчилик улуши 2 фоизни ташкил этади.

Жами микромолия хизматлари ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан соҳалар кесимида:

- **Савдо ва умумий хизматлар** 389 млрд сўм ёки **54 фоизга** ошган;
- **Қишлоқ хўжалиги** 15 млрд сўм ёки **3 фоизга** ошган;
- **Бошқа соҳалар** 363 млрд сўм ёки **2 баробарга** ошган.

Соҳалар кесимида кўрсатилган микромолиявий хизматлар улушлари тақсимоти




Муддатлар кесимида қисқа муддатли кредитларнинг улуши жорий йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даври билан тақослаганда тижорат банкларида 11 фоиздан **7 фоизга** камайган бўлса, микромолия ташкилотлари ва ломбардларда 65 фоиздан **81 фоизга** етди.

Қисқа муддатли микромолиявий хизматлар улуши **22 фоиз** ёки **15 трлн сўми** ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **7 трлн сўм** ёки **2 баробарга** ошган. Бунда, **қисқа муддатли кредитлар таркибида тижорат банклари** улуши **26 фоизни** (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоиз бандга камайган) ташкил этса, микромолия ва ломбардлар улуши **74 фоизни** (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоиз бандга ошган) ташкил этади.

Узоқ муддатли кредитлар улуши **78 фоизни** ёки **52 трлн сўми** ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **24,8 трлн сўм** ёки **1,9 баробарга** ошган. **Узоқ муддатли кредитлар таркибида тижорат банкларининг** улуши **95 фоиз** ёки **50 трлн сўми** ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **24,6 трлн сўм** ёки **2 баробарга** ошган.

Кўрсатилган микромолия хизматлари бўйича муддатлари улуши




Валюталар кесимида 2024 йил I ярим йиллигида кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг **99,5 фоизи** (66,4 трлн сўм) миллий валютада кўрсатилган бўлиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга** (32,6 трлн сўм) ошган.

Бунда, банклар томонидан кўрсатилган миллий валютадаги микромолия хизматлари ҳажми **25,7 трлн сўм** (1,9 баробарга), микромолия ташкилотлари ва ломбардларда эса **6,9 трлн сўм** (2 баробарга) ортди.


Валюталар кесимида кўрсатилган микромолия хизматлари улуши

2024 йил I ярим йиллиги давомида



■ Миллий валюта ■ Хорижий валюта

2025 йил I ярим йиллиги давомида



■ Миллий валюта ■ Хорижий валюта

Хорижий валютадаги микромолиявий хизматлар **308 млрд** сўм эквивалентини ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **603 млрд** сўм эквивалентига ёки **66 фоизга** камайган.

Хорижий валютадаги микромолия хизматлари 19 та тижорат банклари, жумладан 7 та давлат банклари ва 12 та хусусий банклар томонидан кўрсатилган.

*Жумладан, Капиталбанк томонидан 92 млрд сўм, Даврбанк томонидан 82 млрд сўм, Халқ банки томонидан 29 млрд сўм Ипак йўли банки томонидан 25 млрд сўм миқдорида хорижий валютада микромолия хизматлари кўрсатилиб, улар жами хорижий валютада кўрсатилган микромолия хизматларининг биргалликда **75 фоизини**, мос равишда **30, 27, 10** ва **8 фоизни** ташкил этди.*

Худудлар кесимида жами микромолия хизматлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, энг юқори ўсиш:

— жами кўрсатилган микромолия хизматлари бўйича **Тошкент шаҳри** (2,5 баробар ёки 26,2 трлн сўм), **Хоразм вилояти** (56 фоиз ёки 621 млрд сўм) ва **Қорақалпоғистон Республикасида** (51 фоиз ёки 520 млрд сўм);

— микроқарзлар бўйича **Тошкент шаҳри** (2,7 баробар ёки 22,4 трлн сўм), **Хоразм вилояти** (86 фоиз ёки 336 млрд сўм) ва **Сурхондарё вилояти** (84 фоиз ёки 432 млрд сўм);

— микрокредитлар бўйича энг юқори ўсиш **Навоий вилояти** (43 фоиз ёки 93 млрд сўм), **Тошкент шаҳри** (27 фоиз ёки 256 млрд сўм) ва **Сирдарё вилоятида** (18 фоиз ёки 25 млрд сўм);

— бошқа маҳсулотлар бўйича энг юқори ўсиш **Тошкент шаҳри** (2,2 баробар ёки 3,9 трлн сўм), **Бухоро вилояти** (2 баробар ёки 173 млрд сўм) ва **Қорақалпоғистон Республикасида** (89 фоиз ёки 137 млрд сўм) қайд этилган.

Жисмоний шахсларга ҳудудлар кесимида кўрсатилган микромолия хизматларининг ҳажми барча ҳудудларда ошган. Хусусан, энг юқори ўсиш **Тошкент шаҳрида** **2,4 баробарга** (18,4 трлн сўм), **Хоразм вилоятида** **33 фоизга** (163 млрд сўм) ва **Жиззах вилоятида** **27 фоизга** (115 млрд сўм) ортган.

Тадбиркорлик субъектларига ҳудудлар кесимида кўрсатилган микромолия хизматларининг ҳажми ҳам барча ҳудудларда ошган. Хусусан **Тошкент шаҳрида** **3 баробар** (8,2 трлн сўм), **Қорақалпоғистон Республикаси** ва **Навоий вилоятида** **1,9 баробар** (мос равишда 412 млрд сўм ва 378 млрд сўм) ўсиш қайд этилган.

*Ҳудудлар кесимида кўрсатилган микромолия хизматларининг **44 трлн сўми** ёки **66 фоизи** Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.*

Худудлар кесимида жисмоний шахсларга ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажмининг ўсиши, фоизда



© O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki, 2025-yil

Mazkur sharh Mikromoliya bozori ishtirokchilari faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish departamenti tomonidan tayyorlandi.

O'z taklif va e'tirozlaringiz quyidagi manzilga jo'natishingiz mumkin:

E-mail: f_nematov@cbu.uz

Tel.: (+998) 71 212-73-21